

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТӢ

РУЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИКА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚҮМИТАСИ,

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИННИГ БОШ НАШРИ

• 1991 йил 17 август • шанба •

№ 159 (10.155). Баҳоси 10 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ, ҚОЗОГИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ, ТУРКМАНИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ
РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИНИНГ ЯҚУНЛАРИ ХУСУСИДА

АҲБОРӨТ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 1991 ИИЛ 14 АВГУСТ.

Ўрта Осиё республикалари Қозогистон раҳбарларининг 1990 йил июн ойидаги Олмасота шаҳрида ҳар йили учрашув ўтказиш түғрисидаги келишувларига мувофиқ 1991 йил 13—15 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, Қозогистон Совет Социалистик Республикаси, Қиргизистон Республикаси, Тожикистон Совет Социалистик Республикаси, Туркманистон Совет Социалистик Республикаси делегацияларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Делегацияларга республикалариниң президентлари бошчиллик қилдилар, уларнинг таркиби Олий Кенгашларнинг раҳбарлари, ҳукумат бошликлари ва бошقا расмий кишиларниди.

Учрашувда:

Ўзбекистон ССР, Қозогистон ССР, Қиргизистон Республикаси, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССР раҳбарлари, 1990 йил 23 июнда Олмасота шаҳрида қабул қилган қарорларнинг қандай баҳарилётганлиги;

Мустақил давлатлар иттифоқи түғрисидаги Шартномасини тайёрлаш жараёнига кўмаклашди. Бу битимларинамалга ошириш республикалар олдида турган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва инсонпарварлик муаммоларини ҳал этишининг ишончилигидан бўлди. Шу туфайли пулнинг қадрсизланиши ва ишлаб чиқариш таназзули оқибатларини юмшатиш минақада турли жамоат ҳаракатлари муҳолифлигининг, миллатлараро можаролар ва иш ташлашларниң олдини олишга муваффақ бўлинди. Илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик жараёнлари тезлашди ва чуқурлашди, бозор муносабатларига ўтиш ва кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш учун ҳукуқий ва ташкилий

шарт-шаронтлар яратишга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир пайтда учрашув қатнашчилари ташвиш билан шуни қайд этадиларки, мамлакатдаги аҳволнинг ҳўжалигининг деярли барча соҳаларида танглик ҳолатларининг кучайланлиги, пул қадрсизланиши кучайиб бораётганлиги, нархнавонинг қимматлашиши ва бунинг оқибатида турмуш даражасининг пасайини ижтимоий ва миллатлараро вазиятга салбий таъсир қилмоқда.

Экология вазиятининг кескинлашганлиги минақадаги аҳволни мушкуллаштироқда.

Ўрта Осиё ва Қозогистон халқларини мамлакатда Орол фожиасининг олдини олиш юзасидан қўрилаётган чала-ярим чора-

лар

олмай-

ди, Орол фожиаси ҳозироқ миқёслари ва оқибатлари жиҳатидан умумбашарий тус олди. Каспий денгизи сатҳининг кўтарилиши муносабати билан Каспийбўйи районидаги аҳвол жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Минтақа республикаларининг молиявий аҳволи тобора ёмонлашыпти. Нарх белгилашининг ислоҳ этилиши уларни ўз ҳалқ ҳўжалигининг мукаммалроқ тузилиши туфайли пировард маҳсулот ишлаб чиқаришдан даромадларнинг асосий қисмини олиб, Иттифоқ олдида зиммасига олган мажбуриятларини бажармаётган республикаларга нисбатан хотенг аҳволга солиб қўйди. Натижада минтақадаги республикаларга тегишили бўлган ижтимоий-иқтисодий тараққиётга маблағлар ва аҳолига компенсация тўловлари ҳаражатларининг ўрни қопланмаяпти.

Айрим республикаларнинг умумиттифоқ барқарорлаштириш жамғармасини барпо этишга бундай бузғончилик билан ёндашуви Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистонни ҳимоя чораларини кўриб, хом ашё ре-

(Давоми 2-бетда).

ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ВА ҚОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАЛАРО МАСЛАҲАТ КЕНГАШИННИ ТУЗИШ ТҮҒРИСИДА БИТИМ

Тошкент шаҳри, 1991 йил 14 август.

Қозогистоннинг тенг вакиллигига барпо этилади. Унинг таркибига республика ҳукумати бошлиги ўринибосари раҳбарлигига ҳар бир республика вакилларни киради. Кенгаш вазифаларини таъминлаш учун республикалар тенг соили вакилларидан иборат донмий ишлайдиган ишчи гурӯҳи тузилади ва у Ашхобод шаҳрида жойлашади. Бу идоранинг ишига давлат бошқаруви тузилмалари, республикаларнинг олимлари ва мутахассислари, шунингдек муммомлар билан шуғулланувчи экспертлар, жумладан, хорижий мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари республикалар ҳукуматларининг биргаликдаги қарори билан тасдиқланадиган низомда белгилаб берилади. Маслаҳат кенгашининг мажлислиари одатда йилнинг ҳар

чорагида, навбати билан республикаларда ўтказилади. Мажлислини ташкил этишини қабул қилиб олувлечи томон таъминлайди.

Маслаҳат кенгашининг қарорлари манфаатдор мустақил республикаларнинг вакиллари маъқуллаган тақдирда қабул қилинган хиabolanadi. Бу қарорлар республикалар ҳукуматлари фармойиш ҳужжатларини қабул қилгач, амалга оширилади.

Маслаҳат кенгашининг фармойиш ҳужжатларини таъминлашадиган жиҳатдан, шу жумладан валюта билан баравар тенг ҳукуқлилик асосида таъминлайди, бунга республика бюджетида тегишили маблағ ажратилиши кўзда тутилади.

Томонларнинг ўзаро келишувига биноан битимни Озарбайжон республикаси делегациясининг раҳбарини ҳам имзоламоқда.

Ўзбекистон ССР Вице-президенти

Қозогистон ССР Баш вазири

Қиргизистон Республикаси Баш вазири

Тоҷикистон ССР Баш вазири

Туркманистон ССР Баш вазири

Озарбайжон Республикасининг Баш вазири

Ш. МИРСАИДОВ

У. КАРАМОНОВ

Н. ИСАНОВ

И. ҲАҶЕЕВ

Х. АҲМЕДОВ

Г. ГАСАНОВ

СССР Олий Кенгаши ғаисинин қарори

СССР Олий Кенгашини чақириш түғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Кенгашининг олтинчи сеси

СССР Олий Кенгашининг Раиси

Москва, Кремль.

1991 йил 16 август.

сияси 1991 йил 17 сентябрь куни Москва шаҳрида чақирилсин.

А. ЛУКЬЯНОВ.

РАСМИЙ ДЎСТОНА ТАШРИФ

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон расмий делегацияси Ҳиндистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан 17 август куни Тошкентдан Дехлита жўнаб кетди. Делегация таркибида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузыридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринибосари Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Ташкил ишлар вазири С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР маданият вазири Н. Е. Гойбов, Ўзбекистон Давлат банки бошқарувининг раиси Э. Ж. Боқибоев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Ҳалқ таълими, фан ва маданият комитетининг раиси, Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиши П. Қ. Қодиров, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири

Ш. О. Алимов ва бошқа расмий кишилар бор.

Аэропортда делегацияни Узбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Узбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Иўлдошов, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккичи котиби А. С. Ефимов, Узбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринибосари И. Ҳ. Жўрабеков, Узбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи котиби, ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси А. И. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. Кузатиб қолувчилар орасида Ҳиндистоннинг Тошкентдаги бош консули вазифасини бажарувчи Говинд Г. Кулькарни бор эди.

(УЗТАГ).



● СИЗ ОНЛАР АРХИВИДАН ОЛИНГАН УПБУ СУРАТДА ВИЛОЯТИМIZ КИШЛОҚ ХЎЖАЛИКНИНГ ИЛМИНИК ИЛМНИК, ДЕҲҚОНЧИЛК ИЛМНИК ЮЛДУЗЛАРИ, ДЕҲҚОНЧИЛК ИЛМНИК УСТАЛАРИ БУЛГАН МЕҲНАТ ВА ПАРТИЯ ФАҲРИЙЛАРИ ТУРОП НОРМУҲАМЕДОВ (ЧАПДАН ИККИЧИ), ҲАМРОҚУЛ ТУРСУНҖУЛОВ, РИЗАМАТ ОТА МУСАМУҲАМЕДОВЛАРНИ КУРИБ ТУРИБОСИ.

Эсимда, бундан ропта-роса йигирма бир йил илгари халқимизнинг содик ўғлони, дәхқонлар дилдоши ва устози, колхоз ишлаб чиқаришининг фахрийси Турол ака Нормуҳамедовнинг дағы маросимида қатнашгандим. Шанда кимдир Турол аканинг ўй-жойига разм солиб, бошқа уйлари йўқми деб сўрганди.

— Йўқ, — деб жавоб беришганди унга, — оталидан қолган уйда яшаб ўтдилар.

Бу жавобни эшитиб, эҳтимол, айримлар ҳайрон қолган бўлиши табии эди. Наҳотки шунча йил раислик қилиб, бирор дурустроқ иморат қуриб олишга курби етмаган! Ахир ҳамма нарса ўз қўлида, буйруқ қисла бўлгани эди-ку, деб ўйлашган бўлса ажаб эмас.

Лекин аслида бу ҳақиқат эди. Турол Нормуҳамедов ниҳоятда камтар, камсузум, бутун ҳаётини халқ хизматига баҳшида этган инсон эди. Чунки ўшликдан шундай тарбия кўрган эди. Оталари Нормуҳаммад Хайтбай ўғли ўз даврининг маърифатпарвар қишиси эди. Атрофидаги одамлар, дәхқонларга ҳар бир ишда раҳнамолик қилиб келган. Фарзандларни ҳам ҳар иккигапнинг бирида халқа, кўпчиликка қайшишига ундар эдилар. Айниқса, кенжаса фарзандлари Туропбойга ўзгача меҳр кўйган эдилар. Турол бошлангич таълимни эски мактабда олгач, янги мактабга ҳам ўқишга кирди. Сўнгра оталари розилиги билан 1929 йили Бухородаги Кармана пахта қабул қилиш пунктига ишга жўнадилар. Кўп ўтмай яна туғилган қишлоғига қайтиб келди. Коллективлаштириш бошланган эди. Янги тузилган Молотов номли колхозда хўжалик мудири, бригадир, хосилот раиси ва бошқа ишларда ишладилар. Улуғ Ватан уруши бошланган йили бу колхоз «Партия XVIII съезд» колхози билан бирлашди. Нормуҳамедов аввал раис муовини, кейинчалик партия ташкилотининг котиби бўлиб меҳнат қила бошлади. Аҳвол ниҳоятда оғир эркаклар фронтда, далада асоссан хотин-халаж, ёшлар меҳнат қилишарди. Ана шундай оғир дамларда унинг ташкилотчилик қобилияти тобланди. Хўжалик саркори, машҳур пахтакор, ажойиб ташкилотчи Усбек Олимбековдан билмаганларни сўраб ўрганишдан сира тортинмасди. Унинг халқ ўртасида обрўси ортиб

бормоқда эди. Шунинг учун ҳам 1946 йили Қорасув ноҳиясидаги қолоқ Ленин номли колхозга уни бир овоздан раис қилиб сайлашди.

Турол ака жамоа хўжা-

шу пулни ўзларингиз уйига олиб бориб берасизлар ва кейин менга натижасини айтасизлар, дедилар. Натижасини билгач, хотиржам бўлганлар.

Бу табиийки, колхозчи-

• ХОТИРА • ОЛТИН ОЛМАЙ, ДУО ОЛГАНДИ...

ОРЖОНИКИДЗЕ Ноҳиясидаги Ленин номли колхознинг СОБИҚ РАИСИ, СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ ТУРОП НОРМУҲАМЕДОВ ҲАЕТ БУЛГАНИДА 80 ЁШГА ТУЛАРДИ.

Лигининг оқсаб қелганлиги сабабларини эринмай таҳмил этиди, ишни ҳар бир тармоқда қайта ташкил зарурлигини хис қилид. Хўжалик пахтачиллик ва сабзавотчиликка ихтинослашган бўлиб, раҳбарлик ишлари, айниқса, даладаги тартиб-интизом бўшабиғ кетган эди. Энг ёмони дәхқончиларнинг меҳнати етарили қадрланмай қўйганди. Колхознинг эса давлатдан катта қарзи бўлиб, колхозчиларнинг иқтисодий аҳволи аянчи эди. Турол ака ҳар бир тармоқда кадрларни танлаб, жойжига кўймасдан ишни ўнглаб бўлмаслигини билди. Бироқ бу тадбирни амалга ошириш анча қийин кечди. У ноҳия партия ва ижроя қўмиталарининг ёрдамига, халқка суюнди, ҳар бир ишда одамларга маддкор, ҳамдард бўлишга ҳаракат қилид, уларни рұхлантириди.

Меҳнат фахрийси, айни кунда хўжаликда кадрлар бўлимнинг мудири бўлиб ишлаб ўтган Ҳузурiddin Нуридинов эслайди:

— Мен идорада ишлаб ўтирган эдим. Шу пайт кекса колхозчилардан Боймирза Ҳолмираев келиб қолди. Улар зарур бўлиб қолганлиги учун колхоздан 400 сўм пул қарз олиш учун ариза ёзиб келгандилар. Бироқ бухгалтериядагилар, сизнинг колхоздан қарзингиз кўп, бундай катта пулни беролмаймиз, деб айтишиди. Бундан воқиф бўлиб қолган Турол аканинг ранжиганини биламан. У киши ўша заҳоти колхоз кассири ва боз бухгалтерини чақиришиб, отани бекор ҳафа қилибесизлар, энди

лар ўртасида катта шовшувга сабаб бўлди. Одамларнинг раисга бўлган ишончи ортиб.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. У ҳар бир тадбирни амалга оширишдан олдин унинг иқтисодий самарасини кўз ўнгига келтиради. Замонавий агротехника талабларини кетасдан бўлмайди. Селекция ва механизация ишларини қайта ташкил этиш керак, деб тайинлар эдилар ёрдамчилари ва ўзлари бундай ишларга бош-кош бўлардилар. Сара, сифатли сабавот маҳсулоти етиштириш сара кўчутиши керак. Шунинг учун парник хўжалики ишни жонлантириши шарт. Шундай ҳам қилинди. Боғдорчиликка ҳам катта аҳамият берила бошланди.

Узумчилик бригадасининг бошлиги, кекса соҳибкор Мирвоҳид ака Мирюнусов гувоҳлик беради: қайси соҳада бўлмасин янгиликка ўч эдилар. Дарҳол уни ўзларида қўллашга жазм қиласидилар. Ҳозир мен меҳнат қиласидан ана шу боз ташландик, сув чиқмайдиган тепалик ер эди. Турол ака Ризамат отанинг йўл-ўриғи, маслаҳати билан ҳашар ўштириб, шу жойдан 12 гектар майдонни текислатиб, боз ташкил эттиридилар. Ҳилмалик узум навлари экилди.

Қилинган бу меҳнатлар ўз самарасини берди. Иккиси ишларни ўзидаёт хўжалик қарзидан узилди. Ийл сайнинг иқтисоди мустаҳкамланинг турмуш даражаси юксала борди. Демакки, меҳнатга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. 1950 йиллар эди. Ноҳиядаги иқтисодий камқувват

хўжаликлар бақувват хўжаликларга бирлаширила бошланди. Бу жамоа хўжалигига Фрунзе номли Охунбобоев, Мичурин, Темирязев номли ва бошқа бир неча колхозлар қўшиб берилди. Табиийки, хўжаликнинг юқи янада ортиб, раҳбарлик янада муракаблашди. Раҳбарият бу юқи тортиш учун ўзида куч-гайрат, шижоат тома билди.

Кишлоқ хўжалиги фани ютуқлари, энг илгор тажрибаларни қўлланишга алоҳида аҳамият берга бошладилар. Бу колхозда 1958 йили жумҳуриятда биринч бўлиб кичик ҳажмдаги иссиҳона қурилди ва у ерда сабзавот, резавор ва цитрус иссиҳонлари ўстирилди. Яна беш йилдан сўнг эса кенг кўламдаги Болгария типидаги иссиҳоналар қурила бошланди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жумҳуриятда биринчилар қатори лимончилик ташкил этиш, йўлга қўйиш, бу ноёб мева дараҳатини иқлимлаштириш, кўчкатини етиштириш, янги навларини яратишида халқ селекционери, фахрий ақадемик Зайниддин Фахридин.

Кишлоқ хўжалиги фани ютуқлари, энг илгор тажрибаларни қўлланишга алоҳида аҳамият берга бошладилар. Бу колхозда 1958 йили жумҳуриятда биринч бўлиб кичик ҳажмдаги иссиҳона қурилди ва у ерда сабзавот, резавор ва цитрус иссиҳонлари ўстирилди. Яна беш йилдан сўнг эса кенг кўламдаги Болгария типидаги иссиҳоналар қурила бошланди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жумҳуриятда биринчилар қатори лимончилик ташкил этиш, йўлга қўйиш, бу ноёб мева дараҳатини иқлимлаштириш, кўчкатини етиштириш, янги навларини яратишида халқ селекционери, фахрий ақадемик Зайниддин Фахридин.

Шунинг учун бўлса керак чет эллардан Ўзбекистонга, Ташкент вилоятига келган мөхмонарларни кўпинча шу колхозга олиб келишарди. Улар эса ўз навбатида колхозчилар номидан раисни таклиф қилишарди. Турол ака ана шу таклифларга биноан 29 та чет эл мамлакатларига бориб келган, дейди Ҳузурiddin ака.

Шу йиллар давомида хўжалик аъзоларининг турмуш шароити тубдан яхшиланди. Кишлоқ ободонлашди. Мактаблар, маданий муассасалар, шинохоналар, болалар боғчалари ва йўллар қурилди. Турар жойлар барпо этилди.

Турол Нормуҳамедов бутун ҳаётини, кучини, гайратини халқ ишига баҳшида этиди. Унинг меҳнатлашри юксак қадрланди. Энг муҳими у омманинг катта ишончи, ҳурмати, обрў-эътиборига сазовор бўлди. Бир неча бор ноҳия, вилоят Кенгашининг депутатлигига ва тўртинчи, бешинчи, олтичинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига сайланган эди. Шунингдек, у Ўзбекистон Коммунистик партияси съездларига ҳам делегат сифатида иштирок этган. КПССнинг XIII ва XIV съездлари ишида қатнашган.

Партия ва ҳукуматимиз унинг халқ олдиаги меҳнатларини муносаб баҳолаб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги хизматларини тақдирлаб, унга Социалистик Мехнат Қаҳрамони унвонини берган.

У таникли ташкилотчи, устоз дәхқон бўлиш билан бирга оиласда меҳрибон ота эди. Бир-биридан одобли, меҳнаткаш фарзандларини тарбиялаб вояжга етказди. Ҳозирги пайтда катта ўғли Рустам хўжаликда илғор бригадир, меҳнатда ўрнек кўрсатиб келаётти. Жўрабой колхозда 1985 йилдан буён тафтиш комиссияига раислик қилади. Абдумажид бош ҳисобчи ёрдамчиси. Олий маълумотли Искандар ҳам ижарачи — звено бошлиги сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бошқа фарзандлари ҳам уйли-жойли бўлиб, эл иши учун фидойилик кўрсатмоқдалар.

Фарзандлар ҳар бир ишда, юриш-туришда, меҳнатда отага тақлид қилиб, у бошлаган ишни охиригача етказишига, садоқатли бўлишга аҳд қилгандар.

Мен ана шулар ҳақида ўйлар эканман, оддий дәхқон ўғлининг вояжга етиб, элга танилиб, туп қўйиб палак ёзиши шунчалик бўлади-да, ҳар кимга ҳам ана шундай бахт насиб этсин, дегим келади.

Носир РИХСИЕВ.



КҮРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба *

19 АВГУСТ

● УзТВ I

- 18.00 Янгиликлар.
- 18.10 «Билмасвой— шоир». Мультфильм.
- 18.30 Болалар учун концерт.
- 19.00 «Қатарда норинг бўлса...». Тадбиркор қариялар ҳақида.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.45 «Оқ дарё лавҳалари». Телевочерк.
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.10 «Қалбим наволари». Шоҳсанам Қиличева.
- 22.00 «Ахборот».
- 22.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Чархпалақ» ёки «Бахтияндан кўр». б-кўрсатув.
- 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

- УзТВ II
- 18.05 «Ассалому алайкум» (такрор).
- 19.05 «Спринт». Спартакиада чизгилари.
- 19.30 «Бувимнинг сандиги». Хужжатли фильм.
- 19.40 «Ёз кундалиғи».
- ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.10 «Фалак». Мусикий кўрсатув.
- 21.50 «Душанба оқшомиди». Бадий-публицистик видеоканал.
- МТ I
- 6.00 «Тонг».
- 8.30 МТ экранида биринчи марта. «Фақат уч кечак». Бадий фильм («Мосфильм», 1969 й.; 1988 йилда қайта тикланган).
- 9.50. «Поручик Ботирхон». Телевильм премьера («Қозоқтепефильм» ҳамда Варшава ҳужжатли ва бадий фильмлар студияси).

- 10.15 Б. Березовский чалади (фортециано).
- 10.55 Футбол шархи.
- 11.25 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Кўзгу» (Ирландия).
- 11.30 ТСН.
- 11.45 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ.
- 12.00 «Янги авлод танлайди».
- МТ II
- 14.30 ТСН.
- 14.45 «Бўса». Телевизион бадий фильм (А. Довженко номли киностудия).
- 15.50 «Қизиқувчилар олами».
- 16.05 «Мусикий хазина».
- 16.45 «Причал». Телевильм премьера (Владивосток).
- 01.35 Органич Л. Кремерь концерти.
- 02.05 «Фақат уч кечак». Бадий фильм.

- 18.45 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ.
- 19.00 Г. Свиридов. «Кичик триптих».
- 19.10 «Фақат уч кечак». Бадий фильм.
- 20.30 «Время».
- 21.10 Футбол шархи.
- 21.40 П. И. Чайковский. «Оққуш кўли». Фильм-спектакль.
- 23.35 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишиланган сон.
- 23.55 «Учрашув». Телевильм премьера («Союзтелевильм»).
- 00.55 Кўп серияли телевизион имми-оммабоп фильм премьера (ГФР—Швейцария).
- 01.35 Органич Л. Кремерь концерти.
- 02.05 «Фақат уч кечак». Бадий фильм.
- МТ II
- 18.00 ТСН.
- 18.15 «Бозор қонуларига биноан». Ишбилармон кишилар: Шарқ—Фарб».

пановлармиз». Телевильм премьера. Оилавий болалар уйи ҳақида (Самара). 8.40 «Билимдонлар учун машқ». 9.25 «Руслар билан Италияда содир бўлган ақлбовар кимлайдиган саргузаштлар». Италиян тилини ва маданиятини ўрганаётган ҳамда Италияда бўлган Совет болалари ҳақида. 9.55 «Фантадром». Мультфильм. 10.25 «Оилавий альбом». Бадий фильм (Рига киностудияси).

* * *

13.30 «Россия тароналари» телерадиотанловининг совриндори «Лад» ансамбли ижро этади. 13.45 Болалар учун фильм. «Тузоқлар юртида» («Союзтелефильм»). 14.45 «Поззия». М. Цветаева.

* * *

19.25 Хайрли тун, кичкитойлар! 19.40 «Афғонистонга командировка». 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 21.10 Коллаж.

«ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ 21.15 «Спринт». 21.40 «Кадрда ва кадр ортида».

* *

22.45 «Тонг ўлдузи» (такрор). 23.45 Давлат бурят «Байкал» ашула ва рақс ансамблнинг концерти.

Сешанба *

20 АВГУСТ

● УзТВ I

- 8.00 «Ахборот».
- 8.25 «Софлом бўлай десангиз».
- 8.35 Такорий фильмлар экрани. «Иф қалъасининг маҳбуси». Бадий фильм. 1-серия — «Аббат Фрия». 1-фильм (Одесса киностудияси).
- 9.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележаридга».
- 10.25 УзТВ хазинасидан. Одил Ёкубов. «Диёнат». Видеофильм. 1-қисм.
- ***
- 18.00 Янгиликлар.
- 18.10 «Кузя учун уй». Мультфильм.
- 18.30 «Ҳокимият Шўроларда».
- 19.05 Кўюн шархи «Сайёра» гурухи концерти.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.50 Тижорат ҳабарлари.
- 19.55 «Тилга эътибор...».
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.10 «Спортлото».
- 21.15 Насиба Сатторова ва Қодир

- Тиллабоевлар кўйлайди.
- 22.00 «Ахборот».
- 22.25 «Оталар сўзи — аклнинг кўзиз».
- 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
- УзТВ II
- 18.05 «Биринчи концерт», «Кичик йилқибоқар». Болалар учун фильмлар.
- 19.00 «Лахза», Хабарлар.
- 19.10 «Шаҳар юмушлари».
- 19.40 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифалардан.
- ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.10 «Резаборон». Адабий кўрсатув.
- 21.50 «Боғ ва боғбон».
- 22.20 «Урқия». Бадий фильм (рус тилида).
- МТ I
- 6.00 «Тонг».
- 8.30 «Совук уй». Саккиз серияли телевизион бадий фильм премьера. Ч. Диккенснинг шу номли романи асосида. 1-серия (Буюк Британия телевидениеси).

- 9.25 «Оҳ ёки кўхна киноведвиль». Киноконцерт.
- 10.15 Халқ кўйлари.
- 10.30 Болалар соати (немис тили дарси билан).
- 11.30 ТСН.
- 11.45 Долзарб репортаж.
- 12.00 «Маппет-шоу». Кўп серияли телевизион кўтиричоқ фильм-концерт. 17 ва 18-сериялар.
- ***
- 13.45 «Телемикст».
- 14.30 ТСН.
- 14.45 «Касби—терговчи». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 1-серия («Союзтелефильм»).
- 15.50 «Қизиқувчилар олами».
- 16.05 «Мулоқотлар... мулоқотлар... мулоқотлар...». Мусикий кўрсатув.
- 17.25 Болалар учун қисқа метражли бадий фильм. «Загадкино қишлоғида» («Союзтелефильм»).
- 18.00 ТСН.

- 18.15 «Ой нуридаги сұхбатлар». Телевочерк.
- 19.00 «Мўминқобил ўқувчи». Мультфильм премьера.
- 19.15 Ижодий портрет. Николай Шчукин кўйлайди.
- 19.35 «Совук уй». Саккиз серияли телевизион бадий фильм премьера. 1-серия.
- 20.30 «Время».
- 21.10 «Босқичлар».
- 23.10 «Беш плюс».
- 01.20 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишиланган сон.
- 01.40 «Унда қандайдир бир мўжиза бор».
- 02.10 «Совук уй». Саккиз серияли телевизион бадий фильм премьера. 1-серия.
- МТ II
- 8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари. 8.20 «Қвакша». Мультфильм. 8.40 Ритмик гимнастика.
- 9.10 Коми ССР давлат «Асья Кия» ашула ва рақс ансамблнинг концерти. 9.50 «Билмасвойнинг саргузаштлари». Мультфильм. 1 ва 2-сериялар. 10.25 «Бошқа ишга ўтиши муносабати билан». Телевизион бадий

- фильм («Мосфильм»). 1-серия.
- ***
- 13.30 Болалар учун фильм. «Секач—футболчи» (Венгрия).
- 14.50 «Образ», М. Сервантес ижодий. 16.05 «Делегатскаядаги музей». Рус костюми.
- ***
- 19.45 Хайрли тун, кичкитойлар! 20.00 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сувга сакраш. Аёллар. Финал. Грециядан кўрсатилади. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
- ***
- «ТОШКЕНТ»
- СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ 21.10 «Менинг шаҳрим». 21.40 Гитара янграйди. 22.10 «Беринг ва унинг дўстлари ҳақида баллада». Бадий фильм («Мосфильм»).
- ***
- 23.40 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сувга сакраш. Финал. Грециядан кўрсатилади. 00.10 Кетч спорти томошалари.

Чоршанба *

21 АВГУСТ

● УзТВ I

- 8.00 «Ахборот».
- 8.25 «Софлом бўлай десангиз».
- 8.35 Такорий фильмлар экрани. «Иф қалъасининг маҳбуси». Бадий фильм. 1-серия — «Граф Монте-Кристо». 2-фильм.
- 9.40 «Ёшлик» студияси саволларнинг изогиза жавоб беради.
- 10.10 Одил Ёкубов. «Диёнат». Видеофильм. 2-қисм.
- ***
- 18.00 Янгиликлар.
- 18.10 «Ҳақиқий дўстлар». Мультфильм.
- 18.20 «Замин саҳовати».
- 18.50 «Навоий мукофотига номзодлар». Манзар Садим, Эргашали Шодиев.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.50 Тижорат ҳабарлари.
- 19.55 «Ҳалқ ижодиёти». Тўй маросимлари. 1-кўрсатув.
- 20.30 Москва. «Время».

- 21.10 «Кино усталари». Тоҷикистон ССР ҳалқ артисти Сайрам Исаев.
- 22.00 «Ахборот».
- 22.25 Ойна жаҳонда биринчи марта. «Машина ойнасида шайтонвачча». Бадий фильм («Озарбайжонфильм»).
- 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
- УзТВ II
- 18.05 «Люська». Телефильм.
- 18.30 «Севги лаҳзалари». Фильм-концерт.
- 19.00 «Пульс», Хабарлар.
- 19.10 «Навоий сиймоси ўзбек рассомлари ижодида».
- 19.40 Реклама.
- 19.45 «Айни ҳаракат пайти».
- ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.10 «Ҳаёти дехот». Тележурнал.
- 22.00 «Физиклар». Бадий фильм (рус тилида).
- МТ I
- 6.00 «Тонг».
- 6.30 «Совук уй». Телевизион ба-

- дий фильм премьера. 2-серия.
- 9.25 «Сиз бунга қодирсиз».
- 10.10 «Чўнтаккесар». Мультфильм.
- 10.30 Чемпионлар билан биргалида.
- 10.45 «Болалар мусикий клуби».
- 11.30 ТСН.
- 11.45 Долзарб репортаж.
- 12.00 Н. Лесков. «Уғирлик». Б. Чирков ўқиди. Фильм-концерт.
- 13.30 ТСН.
- 14.45 «Касби—терговчи». Телевизион бадий фильм. 2-серия.
- 15.55 «Қизиқувчилар олами».
- 16.10 Тисагати рақслари (Венгрия).
- 16.30 «Дахлорлик». Телефильм.
- 17.00 «Оёқ остида ўралашма». Телевизион бадий фильм (Булғория).
- 18.00 ТСН.
- 18.15 «Планета».
- 19.00 «Хотира ва адолат бурчи».
- 19.30 Шеърият лаҳзалари.
- 19.35 «Совук уй». Телевизион ба-

- дий фильм премьера. 2-серия.
- 20.30 «Время».
- 21.10 «Олам кинокамера кўзгунида». Руслар Парижда.
- 22.10 Кубанъ давлат казаклар хорининг концерти.
- 23.15 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишиланган сон.
- 23.35 «Боғ бўйлаб ялангёй». А. С. Пушкин номли Курс драма театри фильм-спектаклининг премьера. Муаллиф — Н. Саймон.
- 01.15 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Синхрон сизиши. Грециядан кўрсатилади.
- 02.00 «Совук уй». Телевизион бадий фильм премьера. 2-серия.
- МТ II
- 8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари. 8.20 Барток камер оркестри концерти (Германия телевидениеси). 8.50 «Билмасвойнинг саргузаштлари». Мультфильм. 1 ва 2-сериялар. 9.45 «Адам Смит бойлиги дунёси», 10.25 «Бошқа ишга ўтиши муносабати билан». Телевизион бадий фильм премьера. 2-серия.
- 13.30 Болалар учун фильм. «Уруш томон катта йўл олдидан». 1-серия («Ўзбекфильм»). 14.35 «А. С. Пушкин номли давлат тасвирий санъат музейи залларида».
- 15.45 М. Таривердиев. «Шекспир-сонетлари» воказ туркуми.
- 18.30 «Юзма-юз». «Иқтисодиёт ва экология» туркумидан (Қозоғистон). 1-кўрсатув. 19.15 «Мангутика айланган лаҳзалар». Авестрия суратшашларининг кўргазмаси. «Дунёнинг замонавий профессионал фотографияси». 19.30 «Тегирмон». Телевильм. 19.45 Хайрли тун, кичкитойлар! 20.00 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сузиш. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 21.10 «Иллюзион». «Том». Бадий фильм (Италия). 23.00 Телевильм. 23.15 «Телевизион мусикий абонемент».

- 19.35 «Совук уй». Телевизион бадий фильм премьера. 3-серия.
- 20.30 «Время».
- 21.10 ИИВ маълумотларига кўра...
- 21.25 «Ўткинчи ва абадият ҳақида». Миллий маданият ва маънавий ҳаёт ҳақида.
- 22.25 «Пи» белгиси билан».
- 23.55 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишиланган сон.
- 00.15 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сузиш. Синхрон сизиши. Грециядан кў

● МТ II

7.30 «Бридж». Телебиржа. 8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари. 8.20 Черкассы украин Давлат халқ хорининг концерти. 8.50 Ритмик гимнастика. 9.20 «Билмасвойнинг саргузаштари». Мультфильм. 6, 7 ва 8-сериялар. 10.10 «Иниларим ичди энг кичиги». Телевизион бадий фильм. 1-серия («Беларусьфильм»).

* * *

13.30 Болалар учун фильм. «Уруш томон катта йўл олдидан». 2-серия. 14.35 «А. С. Пушкин номли Давлат тасвирий санъат музеи заларидан».

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

**Жума *****23 АВГУСТ**

● УзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.25 «Соғлом бўлай десангиз», 8.35 «Жодугарлик ва сеҳгарлик». Бадий фильм («Ленфильм»). 9.50 «Буюк Новгород шаҳри». Телевизион. 10.10 Одил Еқубов. «Диёнат». Видеофильм. 4-қисм. * * *

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Арава». Мультфильм. 18.20 «Учкун». Калинин ноҳияси маданият бўлими фаолияти ҳақида. 19.00 «Жамоат ташкилотларида». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Шеърят дафтаридан». Жамшид Пиримов. 20.00 «Гиёҳ» ансамблиниң концерти.

20.30 Москва. «Время». 21.10 «Бир ҳарф ўқитмиш ранж ила...». Адабий кўрсатув. 22.00 «Ахборот».

22.25 Муҳаммаджон Каримов куйлади.

23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.05 «Уолт Дисней таниширади...» туркумидан мультильмлар тўплами.

19.00 «Пульс». Хабарлар.

19.10 «Тренер». Бадий фильм (М. Горький номли киностудия).

АШХОБОД КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».

21.10 «Туркманистан»

21.30 «Оталар васияти».

21.40 «Айна».

● МТ I

6.00 «Тонг».

8.30 «Совук уй». Телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия.

Хайрли тун, кичконтойлар! 20.00 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сувга сакраш. Эрраклар. Финал. Грециядан кўрсатилади. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).

* * *
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
21.10 «Утмишни эслаб». Ф. Сулеймонова ҳикоя қиласи. 21.40 «Ишибилармон кишилар». Бадий

фильм («Мосфильм»). 23.00 Кичик концерт. * 23.25 СССР халқ артисти Е. Нестеренко концерти (Шаляпин хотирасига).

Шанба ***24 АВГУСТ**

● УзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». * 9.00 «Ахборот». 9.25 Одил Еқубов. «Диёнат». Видеофильм. 5-қисм. 10.45 «Муҳофаза». 11.15 Чимкент вилояти Қорабулок қишлоқ «Зиё» ашула ва рақс ансамблиниң концерти. 11.55 «Қонун ҳамма учун баробар». 12.25 «Актёрлар ва роллар». Обиджон Сайдбўрхонов. 13.35 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». * * *

18.00 Үсмирлар учун. «Тенгдошларинг иходидан». 18.45 «Мультпанорама». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Ӯзбек. 20.00 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Қутлуг сана тараддудидага». 20.30 Москва. «Время». 21.10 «Дутор ва танбур тароналари». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Хафтанома».

23.00 «Ўзгалар баҳти». Бадий фильм («Ўзбекфильм»). 00.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

9.00 «Халқ ижодиёти». Кинопрограмма.

10.00 «Сероманец». Бадий фильм (А. Довженко номли киностудия).

11.25 У. Умарбеков. «Ойнинг олтин ўрги». Видеофильм. * * *

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

17.35 «Тяпа, мен сени кутиб тураман». Телевизион.

18.15 «Дилафрўз». Аёллар учун кўрсатув.

19.00 «Новости».

19.15 «Гуваррез». Тажикистан ССР давлат телерадиоси яккахонларининг концерти.

20.00 «Ахбор».

20.20 «Сафедорак». Кинолавҳа.

20.30 Москва. «Время».

21.10 «Чехрай ҳунар». Тажикистанда хизмат кўрсатган артист Баҳодир Мирзалибеков.

22.10 «Артист». Бадий фильм. 1-серия (рус тилида).

● МТ I
6.00 Духовой оркестр ижро этиади. 6.15 «Оля, Коля ва Архимед», «Эз ҳузурида меҳмонда». Мультильмлар.

7.00 Ритмик гимнастика.

7.30 Тонгди дам олиш кўрсатуви (такрор).

8.00 ТСН.

8.15 «Онам, дадам ва мен». 8.45 МТнинг олтин жамғармасидан. А. Н. Островский. «Тутқунлар». А. С. Пушкин номли Москва драма театри фильм-спектакли.

11.20 «Тонг юлдузи».

12.20 Ҳаракат хавфсизлиги учун.

12.50 «Нокининг мультсаёхати».

13.45 «Нуқтаи назар». «Публицист» студиясининг мунозара клуби.

14.30 ТСН.

14.45 «РГ—00 ва бошқалар...». Ҳужжатли-публицистик фильм премьераси.

15.45 1991 йил қўшиклари.

16.50 «Ля-Ферте-аледа ҳаво байрами». Телевизион.

17.00 «Майя ариси». Кўп серияли мультильм премьераси. 11-серия.

17.25 «Халқаро панорама».

18.10 Режиссёр М. Захаров

фильмлари. «Свифт қурган уй». 1 ва 2-сериялар («Союзтелевизион»).

20.30 «Время».

21.10 «ХХ аср солдатлари урушга қарши» ҳалқаро узлуксиз телекурсатувига. Очекр.

21.25 «Оппоқ боғлар узра қор ёғарди». Телевизион бадий фильм. 1-серия («Гуэзия-телевизион»).

22.30 «Ёқмаса, ўчириб қўйинг». Ҳажвий-дам олиш кўрсатуви.

23.35 «Мусиқа ва мода».

● МТ II

7.30 Эрталабки бадантарбия машқлари. 7.45 «Здоровье» (сурдо таржимаси билан). 8.15 Спорт ҳамма учун. 8.30 «Картон соатлар майдони», «Ажина ва уй эгаси». Мультильмлар.

9.00—10.30 УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

10.30 «Цирк! Цирк! Цирк!». А. Родин. «Дастхат». 10.40 «Вертикаль». «Рус қўшиғи». Ҳужжатли фильм (Саратов). 11.10 Андрей Петров. «Оламнинг яратилиши»

балетига ёзилган мусиқадан 3-сюита. 11.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 14.00 «Оила» телекурсатуви.

*

15.00—16.50 УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

16.50 «СССР қўмири». Муаммолар ва режалар. Илмий-оммабол фильм премьераси. 17.15 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сувга сакраш. Эрраклар. Финал. Сув полоси. Ярим финал. Сузиш. Синхрон сузиш. Грециядан кўрсатилади. 19.30 «Қадимий ҳунарлар». Телевизион.

19.45 Хайрли тун, кичконтойлар!

20.00 М. В. Ломоносов номли МГУ хорининг концерти. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 21.10 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. Япониядан кўрсатилади. 22.40 «Бўёқлар симфонияси». Телевизион. 22.55 «Гўсхўр эр». Буривиль ва Луи де Фюнес иштирокида француздариноме-дияси.

*

16.00—18.30 УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

18.30 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сувга сакраш. Аёллар. Финал. Сузиш. Грециядан кўрсатилади.

19.30 «Ралли». Телевизион. 19.45 Хайрли тун, кичконтойлар!

20.00 «Парнас сари бир босқич». 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 21.10 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. Марафон. Аёллар. Япониядан кўрсатилади.

*

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

*

22.10 «Қойил». Л. Глизин куйлади. 22.35 «Кинонигоҳ».

*

00.15 Спорт програмаси.

Якшанба ***25 АВГУСТ**

ШАҲТЕРЛАР КУНИ

● УзТВ I

8.00 «Хафтанома» (такрор). * 9.00 «Кичик сержант». Бадий фильм (СССР—Чехословакия). 10.25 «Водий аёллари». 10.55 «Лайли ва Мажнун». Оғаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқалии театрининг спектакли. 13.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ўзингни эр билсанг...». 13.50 «Деҳқон ва замин». Тижорат кўрсатувлари. 14.50 «Нон—ризқ—рӯзимиз». Қашқадарё ном маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг илфор иш тажрибаси ҳақида. 15.20 «Нукус бунёдкорлари ҳузурнида».

*

18.00 Болалар учун. «Ўйлаймиз, ўйнаймиз». 18.45 «Саёҳат — танга роҳат». 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 Телевизион миниатюралар театри сақифаларидан. 20.30 Москва. «Время».

21.10 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.

22.00 «Ахборот».

22.25 «Бўри ғаласи». Бадий фильм («Беларусьфильм»).

23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

9.00 «Илдизлар», «Қазак

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

— КЕЛИНГ. Мирсобит жон, сұхбатимизни давом эттирайли.


— Марҳамат.

— Бизнинг бир ҳамкасбимиз бор. Ҳар куни тушликка деярли бирга чиқамиз. Қуюқ-суюқ пайтида у киши гўшт истеъмол қўлмайдилар, ҳар қанча бўлса ҳам картошкага йўқ, демайдилар. Бунга нима дейсиз?

— Уша кишининг билгани билган.

— Картошкада ҳикмат кўп демоқчимисиз?"

КАРТОШКА



ХУДДИ шундай. Утган сафарги сұхбатларимизда айтганимиздек, кўпчилик картошка хусусида уччалик кўп тушунчага эга эмас. Бирор ундоқ, бирор бундок. Аслида картошка доривор неъмат. Чунки, унинг таркибида турил хил шифобахшунсурлар анчагина. Жумладан, В., В., РР, С каби витаминалар, оқсили, ёғ, турли хил кислоталар картошкада сероб. Калий, магний, кальций, натрий, темир, фосфор сингари тузлар картошканинг шифобахшлагини оширади. Бобом Сайдкарим қори aka қайнатилган картошкани севиб ердилар. У киши бир куни қизиқ ҳангома айтиб бергандилар.

— Картошка ҳақидами?

— Ха. Унинг шифобахшлиги ҳақида... Яхши эслайман, деган эдилар бобом, бир куни ишхонадан бошим қаттиқ оғриб келди. Қўшинимиз Собир қори аканинг табиблидан яхшигина хабарлари бор эди. Дарҳол у кишининг олдиларига чиқдим. Собир қори aka гапимни эшитгач, ҳозир, дедилар-да, урнларидан туриб, ташқари чиқдилар. Ҳн-ўн беш дақиқадан сўнг бир пиёла суюқлик олиб кирдилар. Ичинг, дедилар, ичдим. Э алҷазар, ҳадемаёт кўзим очилди. Баш оғриғи йўқолди. Кейин билсам, у киши менга ҳом картошкани сиқиб сувини берган эканлар.

— Демак...

— Бобомга шарбат бер-

ган табиб жуда тўғри йўл тутган. Аслида картошка таркибидаги крахмал бекъес бўлиб, меъда ширасини жуда яхши мутаносиблаштиради. Ошқозон ҳамда ичак яраларини даволашда ҳам эски табиблар картошкадан самарали фойдаланганлар. Гастритга учраган кишилар уни кўпроқ истеъмол этсалар, бу дарддан мутлақоғири бўлиб кетиши ҳеч гал эмас.

— Гапни шу ерда тўхтаби, аянгиз тайёрлаган мошхўрданинг таъмини бир кўрсак. Кейин мош ҳақида ҳам бир-икки оғиз гаплашсан.


— Дуруст.

— Ҳани, қосани олинг.

— Э, ОФАРИН, ёз ойларидан мошхўрда, мошчири деган таомларимиз яхши кетади-да.

— Астароқ айтасизми?..

— Бунинг боиси бор, мен сизга айтсан. Үтмишдошларимиз мошли таомларни фақат ёз ойларидагина эмас, балки йил бўйи истеъмол этганлар. Нега деганда, мош, энг муҳими, асабларни мустаҳкамлайди. Инсоннинг умумий саломатлиги эса, асосан асабларга боғлиқ эканлигини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ундан ташқари мош тоза қоннинг таркиб топишида ёрдам беради. Тоза қон эса ҳаёт демакдир. Яна шуни айтиш кераки, бу зироат кўзининг нўриши кувватини оширади, баш оғриғларини қолдиради, буйрак хасталикларида наф келтиради.



— Бу гаплар ҳаммага барабарми?

— Энг аввало, ҳар ким ўз мижозини яхши билиб олиши лозим. Совуқ мижозли кишилар мошли овқатларни зира, қорамурч, қалампир, долчин, ҳардал қабилар билан аралаштириб еса мақсадга тезорок эришади. Иссиқ мижозли кишилар эса аксинча йўл тутса маъкул бўлади.

Сўхбатдош Р. УМАРОВ.

• БИЛСА—ЧИН...



Ўзга сайёриларлар:

— Мана, онаси, «Тошкент ҳақиқатига

зўрга илнидим!


— Бундай кўра бир йилликка обуна бўлсангиз, ҳар куни Тошкентга учмасдингиз!



— Отахон, кўнгиллиларнинг кети Сизми?
Шавкат МУЗАФФАР ўғли чизган расмлар.



«КАРОСА»ЛАР ЙЎЛГА ЧИҚДИ



● ИЛГАРИ хабар қилингиздек, Чехословакиядан келтирилган «Кароса» автобуслари пойттахтимиз кўчалари бўйлаб турли йўналишларда аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Чиройли ташки кўринишга эга бўлган бу қулай транспорт во-ситаларини 8-автобус автокорхонасиning тажрибали ҳайдовчилари бошқармоқдалар.

СУРАТЛАРДА: янги «отуволовлар» йўлга равона бўлишга тайёр; автокорхона раҳбари З. Елоев (чапдан учинги) ҳайдовчилар Ҳ. Абдуллаев, Ш. Шоюсупов, М. Исломовларни дастлабки йўлга кузатмоқда.

Сураткаш Р. ШАРИПОВ.

ҲИНД НУҚРАЛАРИ

● Мехрибон умр йўлдошинг олдига, мурғак фарзандларинг олдига ҳеч қачон қуруқ кўл билан келма.

● Оқиллар ўз умрларини илму хикмат билан, аҳмоқлар гина-қудурат, уйқу, жинот билан ўтказурлар.

● Саломатлик, доинишмандлик — бу бир қурдатли давлатдир, лекин мұхабbat лаззатисиз бу давлатдан не фойда?! Инсон фақат мұхабbat билан тирик.

● Бирорларга зулм қиласылар, мастилар, поклик, тўғрилик, яхшилик, юмшоқ табнатлилик, ширинисуҳанлик — шулардир инсонлик вазифалари.

Бахридин ТУРҒУНОВ тўплаган.

ЖИЛОВСИЗ ҲАЁЛЛАР...

ҚАТРА

ТОҒЛАР... Юксак тоғлар... Юқорига чиқиб кўтарилиганинг сари сени ўз оғушида эритиб юборади. Уларнинг меҳр тафтими сезиб сен ҳам ётсирамай қўясан. Уларга томон талпинасан, уларнинг саҳиийликка бой ям-яшилдиридан сенга аталган оромни топасан. Нафакат ям-яшил, балки кўринини фавкулодда тунд ва ёввойи чўққилири қор билан қопланган тоғлар сендан бегонасирамайди.

Ҳа, бу викорли тоғлар бўйсунмас бўлгани билан қўллари бир дам бўлса ҳам инсон юрагини тинглай олишига қодир. Балки менга шундай туюлаётгандир... Агар шу рост бўлса, эҳ-хе, қанча қалблар, нидосини тинглаб, оқизган ёшлари этагидан ўтиётган соймикан?! Ёки бу сой жизғанак бўлаётган тоғ қалбига ороммикан?.. Шовкини шовқини-чи?.. Шу сўзни айтар эканман, бошқаҷароқ бўлган шаҳар шовқини этагимни кўйиб юборганидан ёнгил тортаман. Энди мен ўзга шовқин асирасман... Тоғ қалбининг кўз ёшлари бандасиман... Ҳам севинч, ҳам қайгу аралаш оқаётган ёшлар... Тош устига ўтириб олиб, уни сидидилан кузатар эканман, дунёдаги энг гўзал нарса шу бўлса керак деб ўйладим. Ҳарсангларга урилиб саҷраган томчилар кўздан йўқолгач, қаерга борар экан?.. Ортидан эргашсаммикан!.. Балзи одамлар сувда оқиб кетади-ку. Назаримда, улардан баҳтилиси йўқ бу оламда. Қанийди мен ҳам оқсан... Ҳозир ўрнимдан турман-у гуппиллаб урэйтган юрагим тоғ қалбининг навосидан ором олишга интилиб, томчи орти-

дан кетишини истайди... Мана, ҳозир...

— !!!
... Бехосдан исимини эшиб ўзимга келдим. Биз тўрт киши эдик. Шерикларим менинга қафиришаётганди. Эх, ниша қилиб қўйдинглар?! Яна бирор йўқламай турганларнинг баҳтилилар сони биттага ортар эди...

Қўлимда бир кося эчкини суннинг қатиги. Биздек «шовқинлар мамлакати»дан келганинг бу жуда тансик таом. Қўлимда тутиб туриманни, демак, шуни ичиш менга насиб этган экан. Косани буштагач, таним шундай роҳатландикли, асли кўяверасиз! Қатиқ билан мемон киглан тоғ қизи Барнохонга қараб қайта-қайта миннадорчиллик билдирил. Унга маҳлиё бўлиб тикилди. Во ажаб, ҳақиқатан, тоғ қизига табиатнинг ўзи айрича бир гўзаллик баҳш этганди!

Мени яна чорлашояпти. Уларга турган еримдан «Эй, тўхтанглар, мен мусаффолик билан, шабнамлар билан бирга қоламан!» деб чин дилдан бақирайпаман-у, аммо улар эшитишмайди.

... Яна тоғлар бағрига сингиб бораяпмиз. Чўққилар... Инсоннинг кўзи мунча ҳам чўққига тўймас экан?.. Ахир мен бир неча дақиқа олдин шабнам билан қолишим ёки томчи билан баҳтилилар мамлакатига кетишм мумкин эди-ку!..

Барчиной ЖУРАЕВА.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.